

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни ва асосий ўзгаришлар

Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” **ЎРҚ-1011-сон** (24.12.2024 й.) қонуни **12-моддасида**:

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслар мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслар ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан, шунингдек ЯТТлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинadиган солиқ;

юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

юримдик шахслардан олинadиган ер солиғи, бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат активларини ижарага беришдан тушумлар.

Солиқларнинг қуйидаги турлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юримдик шахслардан олинadиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

тамаки маҳсулотлари (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари) учун акциз солиғи бўйича тушумлар.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан ташқари) **Навоий вилоятида 66 фоизи, Тошкент вилоятида 51 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;**

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари*) **Навоий вилоятида 70 фоизи, Тошкент**

вилоятида 49 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари ва пиводан ташқари) учун ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган акциз солиғининг Тошкент вилояти ва **Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи** ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланадиган қуйидаги даромадлар республика бюджетига ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар.

Қонунчиликда белгиланган тартибда давлат активларини сотишдан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (бундан йирик солиқ тўловчилар тушуми мустасно) туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юримдик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг

1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2024 йилдаги ва 2025 йилдаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сон Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”даги **ПҚ-455-сон** (25.12.2024 й.) қарори билан солиқ қонунчилигига 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий куйидаги ўзгартиришлар киритилди.

солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қолдирилади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб

қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича Қорақалпоғистон Республикасида даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмининг 100 фоизи, қолган ҳудудларда эса 60 фоизи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

2025 йилда ижтимоий солиқ тушумлари бўйича 2024 йилда амал қилган тақсимлаш меъёрлари сақлаб қолинди.

2025 йил учун **олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим** миқдори 1 граммга 2 000 сўм миқдорида тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ



Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни ва асосий ўзгаришлар



www.my.soliq.uz

Тошкент – 2025 йил